

Айрим макола ва фикр-мулохазалар хисобга олинмаганда, ўзбек мумтоз шеъриятида ранг рамзлари ва маънолари муаммоси хали махсус тадқиқ қилинган йўқ. Ранглар ва уларнинг рамзий маъно-мохиятидан бахс юритиш осон эмас, албатта. Чунки ранглар у ёки бу халқнинг уни қуршаб олган олам, ижтимоий-маданий ҳаёт, урф-одат, маросим, адабиёт ва санъатга доир қадимий қарашлари билангина эмас, балки, космогоник, мифологик, диний-илохий тушунча ва тасаввурлари билан ҳам боғланиб кетган. Шунингдек, одамларнинг дунёқараши, яшаш шароитлари, диний ҳаёт йўлларининг ўзгариши билан рангларга муносабат, кўзланган мақсадлар ҳам ўзгариб, баъзан бутунлай янгиланиб борган. Масалан, кора ранг ва қорнонгулик «Авесто»да ок – ёруғликнинг зидди ўларок таъриф ва тавсиф этилгани яхши маълум. Унда қорнонгуликнинг ёмонлик, ёвузлик сифатида бошланғич қуввати – илк манбаи Ахримандир. Лекин олис ўтмишда ок рангга нисбатан ҳам шунга яқин муносабатлар ҳокимлик қилган. Баъзи халқларда, жумладан, туркий қавмларда ҳам ок ранг мотам, мусибат ҳатто қурғокчилик аломати ҳисобланган. Озарбойжон олими М.Саидовнинг ёзишича: «Олтойликларда ок ранг мотам рамзидир. Манбалар Чинда яшаган турк тилли солорлар учун ок рангнинг бошқа маънолар билан бир қаторда, мотам тимсоли бўлганлигидан ҳам хабар берадилар. Фақат туркийларда эмас, бошқа айрим халқларда ҳам кўк ва ок мотам, қайгу рамзи саналган»[1].

Албатта, вақт ўтиши билан аҳвол ўзгарган. Буни кора рангга муносабатларнинг ўзгаришидан ҳам англаш қийин эмас. Чунки қадимда туркийларнинг дунёқараши ва фикр оламида ок рангга қараганда кора ранг эътиборлироқ мавқега эга эди. Шу боис уларнинг диний инончларида кора сўзи кўпроқ ўрин эгаллаган.

Рус тилшунос олими А.Кононов кора сўзининг маъноларини тадқиқ этиб, ушбу сўз билан «катта», «йирик», «мухташам», «улуғ», «қудратли», «қучли», «покиза», «мусаффо», «қуруқлик», «ер», «зулмат кўки», «шимол» каби мазмунлар ифодаланганлигини кўплаб мисоллар воситасида изоҳлаб берган[2]. Унинг келтиришича, А.Жаъфар ўғли «Китоби Дадам Қўрқут» даги қахрамонларнинг номидаги кора сифатлашини жасорат ва қучлилиқ синоними, деб таъкидлаган.

Хокония шохлари кора даб аталишини (Бугро Кора Хокон дейилгани каби) Махмуд Кошгарий шарҳлаб қолдирган. Кейинги пайтларда, ҳатто, Кошгар этнонимининг юзага келиши ҳам кора қалимасига бориб тақалишини аңлатадиган изоҳлар баён этилди. Қорақалпоқ олими Д.Айтмуродов ёзади: «Кошгар топонимини Э.М.Мирзаев қуйидагича изоҳлайди: «Кошгар – нефрит тоши, нефрит тоғи; «қаш» – нефрит, «гар» – тош.

Бизнингча, «Кошгар» топонимининг иккинчи қисми «гар», «қар» аслида охириги «а» товуши тушиб қолган «қора» сўзи бўлиб, кора маъносини билдиради[3].

Ушбу факт ва далиллар кора (рангига хам) алохида бир диккат билан карашни такозо этади.

Бундан ўн йиллар мукаддам Алишер Навоийнинг «Сабъаи Сайёр» достонидаги илк хикоят охиrhoгидан ўрин олган:

Кора ранг элга тожи торақдур,  
Ким бу ранг ичрадур, муборақдур[4], -

байтидаги фикрга таяниб, кора рангинг муборақ ва мукаддаслик хусусиятларини (албатта, салбий маъноларни назардан соқит қилмаган ҳолда – И.Х.) мухтасар шаклда ёритишга уринган эдик[5]. Бу ишда тарихий, мифологик, диний ва адабий даллиларга суянилиши табиий, албатта. Айниқса, Низомий Ганжавийнинг «Хафт пайкар» достонидаги «Бе мусибат сиёх пўши қардан» - «Мусибатсиз кора қийинмок» мисраси бизни масалага чуқурроқ қараш ва байтни айрим навоийшунослар шарҳлаганидек, «Кора ранг – ёшлиқ рамзи. Қимнинг боши кора бўлса – унга бу муборақликдир, негаки ёшлиқ – элнинг «тожи торақ»и демак», - деб эмас, бошқача мазмунда талқин қилишга ундаган эди.

Орадан икки-уч йил ўтгач бизнинг бу талқини таҳлил, фикру мулоҳазаларимизни гўё йўққа чиқарувчи мақола эълон қилинди. Педагогика фанлари доктори С.Очилнинг бу мақоласи «Таҳлил, илм ва адолат ёхуд талқинларда теранлик бўлса» деб номланган[6].

Мақолада маъқулланган, яъни тасдиқ маъносидаги бирор бир жумла хам топилмайди – ҳаммаси инкор. Баъзи мисолларда галат тушиб қолган сўзлар хам қатта бир айб даражасида баҳоланган. Майли, буларга изох бериб ўтирмайликда, муаллифга ниҳоятда муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб туюлган масалаларга тўхталайлик.

Биз, туркийларда бир замонлар кора рангли байроқлар бўлганлиги, Эргаш Жуманбулбул қуйлаган «Далли» достонидаги бир байтда шунга ишорат борлиги хакида сўзлаб, «Корабош туг» (кора рангли байроқ) – бошини ўлимга тиккан мард, жасур жангчилар байроғини билдириб, айна ўринда эронийларнинг байроғига қарши тикланган туркий тугдир»[7], - деган ҳулосани айтганмиз. Тарихда нима кечган бўлса – кечган, уни ўзгартириб хам, айнан такрорлаб бўлмайди. Аммо билиб-билмасдан тарих воқеа-ҳодисалари устидан бутунлай кора тортиш ақлдан эмаслигини хам унутмаслик зарур. Қуйидаги жумлаларни бунинг ёркин исботи, дейиш мумкин: «Далли» достонидаги: «Ўўўўглининг зарбига, сиёсатига сияхпўшлар, қзилбошларнинг титрашига қелсак, бу ерда «қизилбош» хам «сияхпўш» хам бир халқ, яъни босқинчи эронликларга алоқадор. Туркларда эса корабош туг ҳеч қачон бўлмаган. Шунга қарамай, уни И.Ҳаққулов бошини ўлимга тиккан жасур жангчиларга зўрма-зўраки олиб боиб такайди. Аслида оқ, кора бош туг – эрон лашқарларига дахлдор бўлиб, тугларнинг ҳар хил рангда экани лашқарларнинг жуда хам қўплигини, шундай бўлса-да Ўўўўгли улардан қўрқмай, жангга қирганини аңлатади»[8].

Бу гаплар эртак деса – эртакка, хақиқат деса – хақиқатга ўхшамайди. Эрон олими Абдулжамил Қазвиний 1161-1165 йиллар орасида ёзган «Қитобуън нака» номли асарида

эронлар кора байрок сохибидурлар деган фикрларга жавоб тарикасида, «Ши хукмдорлари яшил, ок ва бошка рангли байрок сохибидурлар. Аммо Аббоснинг шиори ва хусусий ранги бўлмиш корани ишлатмаслар», - деб таъкидлаган экан[9]. Чунки Хазрати пайгамбаримиз Мухаммад алайхиссаломнинг ок, яшил, кора рангдаги уч байроклари бўлиб, уларнинг яшили – Усмон бин Аффонга, оки – Саъд ибн Аббодаи Ансорийга, Макка фатхидан кейин – Хазрати Алига, кораси эса – Аббосга берилган. Хижрий 200 йилда Маъмун Имом Али Розийни ўзига халифа этиб тайинлагач, Аббос ўгиллари кабул килган кора рангни бутунлай таъкиклаб, алавийларнинг, яъни Али авлодининг ранги сифатида яшил рангни кабул айлаган.

Кора ранг аббосийлар орасида юксак нуфуз топганлиги факат шаркда эмас, гарбда ҳам яхши маълумдир. Рангшунос олима Л.Н.Миронованинг: «Аббосийлар сулоласига мансуб халифалар кора рангли кийим кийишни хуш кўрганлар Уларнинг байроги ҳам кора рангда бўлган»[10], - деган сўзлари бунинг бир далили бўлиши мумкин.

Аббосий халифалардан «Машрулик» (шариатга богликлик) фармонини олган Турк сулолаларида ҳам хокимият (хукмронлик) байроги кора эди[11]. Шунингдек, «Газнавийларда, салжукийларнинг издоши хисобланмиш Онадўли салжукийлари ва Хоразм шохларида ҳам хукмдор байрокларининг кора рангда бўлиши, умуман олганда, салжукий хукмдорларнинг аббосийлар билан маънавий муносабатларини акс эттирган»[12]. Колаверса, Жахонгир Искандарнинг байрокларидан бирининг кора рангда эканлиги Шарк мусаввирлари томонидан тасвирлаб колдирилганки, бу ҳам «корабош туг»нинг мардлик, жасурлик байроги, дейилишини кувватлайди.

Бас, шундай экан, кандай килиб туркларда ҳеч қачон «корабош туг» бўлмаган» дейиш мумкин?

С.Очил «илм», «адолат», «теранлик» деган сўзларни сарлавхага чиқарадию, лекин минг афсуски ўзи илмий холтсликка якин ҳам бора олмайди. Акс холда мана бу гаплар билан когоз коралашга эҳтиёж сезилмасди: «Энди форсий манбаларнинг баъзиларини кўриб чикайлик. Эрон олими Мухаммад Муиннинг «Хафт пайкар» хакидаги китобида ранглардан биринчиси сифатида кора рангни кўрсатади (аслида бу таъкид бизники – И.Х.). Чунки Шарк ҳамсанавислигида Бахромнинг биринчи кун кирадиган касри кора рангда бўлиб, ўша кун шанбага тўгри келади. Шанба қадимги мифологояга кўра, олам тугал яратилган кун бўлиб, у Зухал сайёрасига нисбат берилади (?).

Демак, кора бу ўринда ҳам муқаддас ва мубораклик маъносини билдирмайди. Колаверса, Мухаммад Муиннинг биринчи бўлиб кора рангни кўрсатишини ва Зухал сайёрасига кора тошлардан хайкал тикланишини ўқувчига илмий янгилик сифатида кўрсатишнинг ўзи қулгили»[13].

Албатта, ўқувчидан ўқувчининг фарқи бор. Холис китобхон «Дамашкий «Нахубатул дахр»да рангларни «сайёраларнинг хайкали» деб таърифлаган экан. Унингча кора рангли тошлардан Зухалга хайкал тикланган бўлиб, у ранги кора, сочи окиш хиндуга ўхшаркан», деган сўзларни «илмий янгилик» эмас, бир маълумот сифатида кабул килади. Қулги кўзгайдиган жихат эса бошка: очигини айтганда, С.Очилнинг Эрон олими

асарини кўрганлигига, кўрганда ҳам ўзи уни ўқий олганлигига шубхамиз бор. Чунки унда мифологик тасаввур билан тасаввуфий карашлар бир-биридан жуда аник ажратиб ифодаланган. Ахир Дамашкийнинг Зухалга доир фикри рамзий мазмунга эга-ку! Бизга шу рамз макбул келган. Шу рамзни масаланинг мохиятига эътиборни тортадиган «кўрсаткич» деб билганмиз. Зухал хусусида батафсил изох берилган китоблар ҳам бор. Мана Абулкарим Жилий машхур асарида нима деб ёзган: «Еттинчи кат кўк Зухалнинг самосидир. Унинг жавхари шаффоф бўлса-да, лайли музлим (симсиёх тун) каби корадир.

Жаноби Хак Зухални акли аввалнинг нуридан яратган. Ва унинг манзилини манзили афдол этган. Сиёхликда ранг пайдо этмиш, сиёдат (улуглик) ва юксаклигига ишорат эрур. Шунинг учун акли аввални олими акмалдан бошкаси билмайди. Зухал самовотнинг хосиятлиси ва маконларнинг аълосидир»[14].

Энди кутбларни ранглар билан белгилаш масаласига келсак. Кора ранг – шимолнинг, кизил – жанубнинг, яшил – шаркнинг, ок – гарбнинг рамзи деган маълумот – ўттизинчи, киркинчи йиллардаёқ фанда хрестоматик бир маълумотга айланган.

Масалан, венгер олими проф. А.Алфулди, олмон туркиётчиси И.Л.Гиртаутас ҳам диққатни жалб этишган. Буни билмагани учунми ёки бошка сабаб туфайлими, С.Очил рус этнографии Л.П. Потаповнинг 1977 йилда чиккан ва биз кўлга ҳам олиб кўрмаганимиз китобини калкон килиб: «И.Хаккулов Л.П.Потаповнинг ана шу маълумотини (кутб рамзларига доир дейилмокчи – И.Х.) тўла ўзлаштириб олган. Аниқрок килиб айтганда, кўчирмакашлик килган», - дейди Лекин бу хукм ҳам уни каноатлантормади ва яна ёзади: «Шу кўчирма оркали И.Хаккулов туркий халкларнинг қадимий тарихи, этнографияси ва фольклори хакида хали кўп нарса билмайдиган ўқувчилар олдида ўзини билимдон ва зукко олим килиб кўрсатишни мақсад килиб олган, шекилли. Аслида у шу ўринда ўзгалар фикрини кўчириб юривчи ва ўзиники сифатида тақдим этувчи» «адабиётшуносдир»[15]. Аввало, «ўзгалар фикрини кўчириб юривчи ва ўзиники сифатида тақдим этувчи киши «Қадимги туркларнинг дунёкарашида тўрт уфқ ва тўрт жихат ранглар воситасида тайин этилгани маълум албатта», - деб ёзмасди[16].

Иккинчидан, ушбу хақиқат «туркий халкларнинг қадимги тарихи, этнографияси ва фольклори» хакида кўп нарса биладиган тадқиқотчилар томонидан янада кенг ва чуқурроқ ёритиб берилган. Модомики, гап «кутб» хакида экан, мусулмон оламида кайта-кайта мурожаат этилган «Диёри зулмат» ёхуд оби хаёт» тушунчасини назардан ўтказайлик.

«Диёри зулмат» - коронгулик ўлкаси демак. Накл ва ривоятларга кўра, ана шу ўлкада «оби зиндағони», «оби жовидони», «айнул-хаёт», «нахрул-хаёт», «Хизр суви», «Искандар суви» таъбирлари билан тилга олинган оби хаёт, яъни тириклик суви мавжуд бўлиб, ундан ичган киши абадий хайт саодатига эришади. «Диёри зулмат» шимолда тасаввур этилганлиги, шимол эса бевосита кора ранг билан алоқадорлиги боис туркийлар бунда ўз назарларига содик колганлар. Шунга кўра улар «шимол билан вобаста нима бўлса, кора калимаси билан ифода этганлар. Масалан, Ўғуз достонида шимолда ўтирган Итбарок номли кавмининг терилари ҳам кора эди. Шимолдан эсан

шамол хам «кора шамол» эди»[17].

Туркларнинг эски диний инончлари бўйича камлар (дин йўлбошчилари) тангри билан бевосита алоқа ўрнатиш даражасида рухонияти кучли кишилар бўлишган. Илк кам ва улуг яратувчининг тимсоли хисобланган жуфт бошли Бургут эса Кора куш дейилган. Камларнинг рухларини ташиган ва улар билан самовий сайр қилгувчи кушга Корабодок номи берилган[18].

Бизнинг назаримизда, тасаввуф тарихида «Кора» лакаби билан шуҳрат топган валийлар, дарвешлар маълум бир маънода камларга ворисдирлар. Чунки «Абу Сиёх, Кора Вали, Занги ота, Корача Ахмад каби Кора ва Занжи авлиё типини ниҳоятда эътиборлидир. Авлиё илоҳиётчилар орасида ҳам коралар бор эди. Сўфийлик «кора» хотинлар ўртасида ҳам тарқалгандир»[19].

Демак, С.Очилнинг «комил инонч билан айтамик, туркий халқларда қадимда ҳам, кейин ҳам кора ранг муқаддас ва муборак бўлган эмас»[20], - деган катъий хулосаси мутлақо асоссиз ва инончсиз дейишга ҳақлимиз.

Хуллас, туркий қавмлар исломгача ва исломдан кейин ҳам кора рангдан салбий маъно, ҳолат ва ҳодисаларни характерлашда нечоғлик кенг фойдаланишган бўлмасин, ҳақ аҳли, маъно ва ишқ соҳибларидан ҳеч бир киши моҳияти илоҳияда кора рангнинг муқаддаслигига шубҳа қилмаган. Ҳатто, Шарқ шеърлятида такрор-такрор ишлатилган «кора кўз» (чашми сиёх), «кора зулф» (зулфи сиёх), «кора хол», «кора бало» сингари ўнлаб истиоравий ибора ва ташбеҳлар ирфоний ҳақиқатлар ифодаси учун ҳам хизмат эттирилган. Бунга бир қадар ишонч ҳосил қилиш учун йирик мутасаввиф олим Иброҳим Ҳақкий Бурсавийнинг мана бу фикрлари билан танишмоқ қифоя деб ўйлаймиз: «Сиёх (кора) зилли ҳақиқатга ишоратдурки, ул нур ул-анвор оламидур. Агарчи нури сиёх (кора нур) дерларки, мунтахаюл анвор эрур. Шу боис Расулulloх (с.а.) фатҳи Макка қуни кора дулбанд ила ҳозир бўлдилар. Чунки Каъба зоти аҳадиятга ишоратдур. Зот эса сиёхдур. Зеро, кунхи идрок бўлинмас ва ул мақомга восил бўлган яна алвони сифатдан тажарруд этиш билан восил бўлур. Шу сабабдан солиқларнинг кўпчилиги кора або (жундан тўқилган кора тўн – жанда, хирка – И.Х.) кюрлар»[21]. Кора або (хирка) қийганлар сияхпўш хам дейилганки, улар тариқатга янги қирган солиқлар бўлишган. Бу йўлда маълум бир даражада илгариланганларнинг хиркаси мовий (кўк) ва сайри сулукни ниҳоясига етказганларники ок рангда бўлган. Тасаввуф жараёни кенг тараккий топган ўлкаларда кора хиркали толиблар, яъни сияхпўшларнинг сони анча кўпчиликни ташкил қилган. Буни Алишер Навоийнинг қуйидаги китъасидан ҳам англаш мумкин:

Не деб Журжонга борди ул сияхбахт,  
Кора тўн бирла солиб кўнглига жўш.  
Ки бор ул пеша аҳлидин анингдек,  
Каёнким кўз солурлар, юз сияхпўш[22].

Бу китъага «Сияхпўш азизнинг Журжонга борганига таажжуб қилурким, анда сияхпўш кўптур», деб сарлавҳа қўйилган.

«Сияхпўш азиз» иборасига каралганда, Журжонга борган киши биз ўйлайдиган маънода сияхбахт – бахти кора эмас. Чунки тасаввуф ахли «сияхкор», «сияхрў» деганда сайри сулукда йўлда колган ва йўлдан чалгиганларни назарда тутишган. Журжонга равона бўлган «сияхбахт»га кайтсак, у тарикатга киришдан кандайдир зохирий мамнуният сезган ва ўзига бино кўйиганлигини яшира олмаган. Журжонга боргач, юзлаб Хак ошикларини кўриб, ўз ахволидан хижолат чеккан кишидир. Ажабмаски, Навоий «Сабъаи Сайёр» достонидаги биринчи мусофир томонидан накл этилган хикоят кахрамонлари Фаррух ва Ахийни ҳам ана шундай кимсаларга ибрат килиб кўрсатган бўлса.

Маълумки, Алишер Навоий фақр маслагига зўр ишонч билан караган. Улуг шоир фақр холларини алохида иштиёк билан тасвирлайди, комиллик макомларини фақр эътиқоди ва тажрибаси ила алокадорликда кўрсатишга ахамият беради. Бу бежиз эмас, албатта. Улуг шайхлардан бири шундай деган экан: Соликни Хакка восил айлайдиган йўллар кўкдаги юлдузларнинг сонидан ҳам кўп эди. Энди ўша йўллардан фақат фақр колди. Зотан, йўлларнинг энг тўғриси ҳам ана шудир»[23].

Фаррух ва Ахий фақр йўлидан чекинмаганликлари, фақрнинг шом ранг либос»и талабларига тўла риоя кила олганликлари учун ҳам мақсад манзилига етишганлар. Улар химмат, мурувват ва футувватда гўё бир-бирлари билан мусобакага киришгандай кўринслар-да, олий матлабга эришиш холлари битта - фақр. Навоий буни бутун хикоят давомида гоҳ очик, гоҳ рамз ва ишоратлар оркали таъкидлаб боради. Хикоятда, хусусан, «Кора либос» («Кора палос» ҳам дейилган) алохида маъно кимматига эга.

Хинд хукмдори Жасоратхоннинг ўгли Фаррух «Лутфи ила хулки хадди гоятсиз, фахму идроки худ ниҳоятсиз», «илму камол аро мохир» шахзода эди. Шунга карамай, у қари отасининг истагига ён бермасдан тожу тахтни кабул қилмади. Зеро:

Фақр этиб эрди кўнглини машгул,  
Айламас эрди салтанатни кабул.

Фаррух тушда кўрган паривашни ахтариб кўпчилик билан йўлга чиккач, гурбат машаккатларини торта-торта бир манзилга етадилар. Шунда у уйкуга чўмган хамрохларига мактуб колдириб, улардан ажралади ва ёлғиз ўзи ишк сафарини давом эттиради. Шу тунда у:

Эгнидин солди шохвор либос,  
Кийди ўрнига шом ранг палос.

Бу либос кора рангли хирка эди. Эътиборлиси шундаки, худди шу либос шарофатидан Фаррухга мурод эшиклари очилади. Фаррухнинг ишк ва покликда собитлигига тан берган Ахий акл бовар этмас ишни амалга оширади: ўз суюкли хотинини талок килиб, унга никохлаб беради. Бирок ўзга диёрга уларни кузатаётганда, ёдгорлик учун Фаррухдан ўша «кора либос»ни тилаб олади:

Ёдгор истади палосин анинг,  
Тилаб олди кора либосин анинг.

Албатта, шахзода маъшука Ахийнинг жуфти халоли эканлигини билмасди. Акс холда Ахийнинг килган ишига асло кўнмас, гўзал бир аёлнинг кўз ёш тўкиб, гам-гуссага ботишига ҳам имкон бермасди. Фаррух дўстининг хотинидан бор хакикатни эшитиши билан:

Сен ҳам эмди шукуфта дил бўлгил,  
Манга ики жахон сингил бўлгил, -

дея уни сингил ўрнида қабул айлайди. Ёридан жудо бўлгач, огир изтироб ва рухий кийноқларни кўнглидан кечирган Ахий тухматга ҳам гирифтор этилади:

Ки: «Ахий мамлакат килурга хароб,  
Яна бир шохга ясаб асбоб,  
Шохнинг шаҳридин узотибдур,  
Ўзни душманлар ичра котибдур»,

деган айбнома билан хибсга олинади. Кўп ўтмай, у хибсхонадан кочишга муваффақ бўлади. Ва Фаррух диёри сари сафар килади. Йўл захматидан хориб, «Бир бузилгон хисор» ичида хаставу беҳол ётган Ахийга омад кулиб боқади: шаҳар атрофида сайр килиб юрган Фаррух:

Ул бузук сори чун солди назар,  
Килди ўз холи хотирига гузар.  
Сўрди ул ёнки: «Не гариб эркин,  
Ки бу меҳнат анга насиб эркин?»  
Ўз либосини ошно кўрди,  
Нотавоне палос аро кўрди.

Ахий хушига келгач, икки дўсти содик зор-зор йиглаб кучишиб, хол сўрашдилар. Шох касрига олиб борилган Ахийга кўп хурмат-эҳтиром кўрсатилади. Узок муддат ўтмай тантанали маросим ўтказилиб, ёри Ахийга қайта никоҳлаб берилади. Махбубасидан:

Шохнинг иффату мурувватини,  
Покравлиг фанида кувватини,

эшитган Ахий неча кун беҳушу беҳол юради. Ниҳоят хотиржам ва бахтиёр ҳаёт бошланади. Ахий «зарбофт хилъат» кийиб, шох ёнидан ўрин эгаллайди, аммо хайр-хосиятли ўша кора либосини кийишни ҳам қанда килмайди:

Уйга киргач каро палоси эди,  
Ки сафарда анинг либоси эди.  
Тенгри шукридаким, тили эди лол,  
Тоат айлар эди кийиб каро шол.

Накл этилишча, Иброҳим Халилуллох оловга ташлангани замон Оллох ҳукми билан Жаброил жаннатдан бир кўйлак келтириб, унга кийдирган ва шу кўйлак туфайли у

оловда ёнишдан халос бўлган экан. Бу кўйлак дастлаб Хазрати Исхокка, сўнгра Ёкуб алайхиссаломга мерос ўтган. Юсуф пайгамбар уни кийгани учун кудукдан омон чиккан. Ахли тасаввуф хиркада ана шу кўйлак сирларини илгаб, унга маънавий маънолар берганлар.

Хужвирийнинг таъкидлашича, хирканинг бели сабрни, икки ёни – хавф ва ражони, икки олди – кабз ва бастни, белбоги – нафсга карши курашни, ёкаси – якинни (шубхасиз илми), астари – ихлосни тамсил этган. У яна ёзади: «Хирка сафват (порлоклик), факр ва тарикат макомларининг барини ўзида мужассамлаштирган бир либосдир. Бу либосдан кечиш ва узоклашиш хамма нарсадан узоклашиш демакдир»[24]. Зеро, хирка кийиш Оллохни таниш шартларидан бири хисобланганки, «кора хирка ёпинган сўфий ўз калби ва вужудини тўла-тўқис Оллохда тасаввур этмоги лозим бўлган»[25]. Бундай тахайюл ва якинлик инсон ахлокини нечоғлик покласа, кўнгли ва руhini ўшанча гўзаллаштиради. Нафси аммора маглуб этилган мухитда берахмлик, нодонлик, риёкорлик, кибр, кахр каби юзлаб хайвоний ва шайтоний сифатлар ўз-ўзидан бархам топади. Мана шунинг учун Фаррух ва Ахийдан ўрнак олиб, «кора кўйлак» киймак одатга айлантирилган:

Чунки шах хилвати каро бўлди,  
Кора киймак улус аро бўлди.

Мана шунинг учун Алишер Навоий поклик, садокат, мурувват ва камолотдан далолат берувчи факр либосини ёклаб:

Кора ранг элга тожи торакдур,  
Ким бу ранг ичрадур муборакдур, -

деган ва буни тарикат одоби, накшбандийликдаги факру фано шартларидан ажратиб талкин килиш шоир кўзлаган хакикатга асло мувофик келмайди.

Яна шуни хам инobatга олмок зарурки, Навоий ушбу эътирофи билан хамма «кора шол»дан либос кийсин, сияхпўшлик барча учун умумий урфга айланмоги керак мазмунидаги бир ниятни кўзлагани йўқ. Балки «кора ранг», «кора либос» рамзига асосланиб, сффиёна хаёт имтиёзи ва имкониятларига, тасаввуфий ахлок куч-қувватига кўпчиликнинг нигоҳини каратгандир. Чунки тасаввуф, айникса, факр тарики – ишк ва маърифат, тафаккур ва хоксорлик инсонни шу дунёда жаннатга восил этувчи мунаввар бир йўл эрур. Бу жаннат эса ошиқ, ориф ва факирнинг кўнгил оламидир.

Дарвоқе, баъзи тарикатларда нафсдаги покланиш ва ўзгаришлар ранг воситасида аниқланган. Бу ранглар: мовий, сарик, кизил, кора, яшил, ок ва рангсизлик. Кора ранг – нафси мутмаина (тинган, яхшиликка бош эгган нафс)нинг ранги бўлиб, у Оллохнинг изни ва рухнинг нури ила нурланган, ёмон нарсаларни тарк айлаб, гўзал ахлокка тобе нафсдир. Унинг сифатлари: Ибодат, Риёзат, Килъати таом (кам овкатланиш), Таваккул, Тафаккур ва Аъмоли хайр[26]. Демак, бунда хам кора ранг мубораклик хоссасига эга ва нафснинг сиёх рангга бурканиши эзгу ишларнинг гарови эрур.

Илмда, жумладан, Хазрат Навоий ижодиётини ўрганишда бахсу мунозара керак. Хатто



зарур хам, Аммо хар кандай бахс ёки фикр алмашув, энг аввало, билим ва бегаразликка таянмоги шарт. Навоий ижодиётига доир хар канака бахс янги фикрга йўл очиш, хали кашф этилмаган хакикатларни янада теранрок тадқиқ қилишга рағбатлантириши лозим. Буни асло унутмайлик.

- [1] Саидов М. Кўк, ок, кора рангларнинг эски инончлар ила алоқаси// Озарбойжон ФА Хабарлари, 1978, 2-сон.
- [2] Кононов А.Н. Семантика цветообозначений в тюркских языках // Тюркологический сборник. Москва, 1978. С. 161-170.
- [3] Айтмурадов Д. Тюркские этнонимы. Нукус, 1986. С.112.
- [4] Алишер Навоий. Мукамал асрлар тўплами. Йигирма жилдлик. 10-жилд. Тошкент, 1992. 176-бет.
- [5] Хаккулов И. Кора ранг – муборак ранг// «Занжирбанд шер қошида». Тошкент, 1898. 36-45-бетлар.
- [6] Очил С. Орзулар кўқидаги шафаклар. Тошкент, 1993. 331-342-бетлар.
- [7] Хаккулов И. Занжирбанд шер қошида, 43-бет.
- [8] Очил С. Орзулар кўқидаги шафаклар, 341-бет.
- [9] Каранг: Инон А. Туг – Байрок (Санжок)// Турк култури. Анкара, 1966, 46-сон, 71-бет.
- [10] Миронова Л.Н. Цветоведение. Минск, 1984. С 71-72.
- [11] Ганж Р. Турк инончлари ва миллий урф-одатларида ранглар. Анкара, 1977. 42-бет.
- [12] Кўпрулу М.Ф. Байрок // Ислом комуси
- [13] Очил С. Кўрсатилган китоб, 337-бет.
- [14] Абулкарим Жилий. Инсони комил. Истанбул, 1998. 391-бет.
- [15] Очил С. Орзулар кўқидаги шафаклар. 337-338-бетлар.
- [16] Хаккулов И. Занжирбанд шеър қошида. 39-бет.
- [17] Ўгал Б. Турк маданияти тарихига кириш. 6-жилд. Анкара, 1984. 431-бет.
- [18] Кофасўгли И. Эски турк дини. Анкара, 1980. 20-21-бетлар.
- [19] Улутоғ С. Сўфий нигоҳида аёл. Истанбул, 1995. 91-93-бетлар.
- [20] Очил С. Орзулар кўқидаги шафаклар. 336-бет.
- [21] Иброҳим Хаккий Бурсавий. Китоб ул-анвор. Истанбул, 1999.117-бет.
- [22] Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 6-жилд. Тошкент, 1990. 519-бет.
- [23] «Рисолаи Кушайрий», 445-бет.
- [24] Али бин Усмон Жуллобий Хужвирий. Кашф ул-махжуб. Исломобод, 1990. С.66-67.
- [25] Курбанмамадов А. Эстетическая доктрина суфизма, Душанбе, 1987. С.42-43.
- [26] Хулусий Х. Мезон ун-нуфус. Истанбул (санасиз). 33-бет. **«Ўзбек тили ва адабиёти» журнали.**